

«Вақф» фонди «Ҳидоя» ўрта махсус ислом билим юртида таҳсил олаётган толиби илмларга Қуръони карим тақдим этди



11:00 / 22.06.2019 1712

Жорий йил «Вақф» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти «Ҳидоя» ўрта махсус ислом билим юртида таҳсил олаётган толиби илмларни рағбатлантириш мақсадида таълим даргоҳига ташриф буюрди. Ушбу ташрифда фонд раҳбари Искандар Халилов мадрасанинг барча талабаларига Қуръони каримнинг «Ҳилол нашр» нашриётида чоп этилган нусхаларидан ҳар бирларига алоҳида тақдим этиб, фонд доимо иқтидорли талабаларни рағбатлантиришга тайёр эканлигини айтиб ўтди.

Жумладан, **«Агар қайсики талаба мингта ҳадисни ёддан айтиб берса ёки Қуръони каримни тўлиқ ёд олган бўлса бир йиллик шартнома пули «Вақф» фонд томонидан тўлаб берилади ва моддий рағбатлантирилади»** дея таъкидлади И.Халилов.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Ким исломни тирилтириш учун илм ўрганаётганида вафот этса жаннатда у билан Пайғамбарлар орасида бир даража қолади»**. (Доримий ва ибн Сунний Ҳасан ҳолда ривоят қилишган)

Азиз саховатпеша юрtdошлар «Вақф» хайрия жамоат фонди сизларни келажагимиз равнақи ва пайғамбарларнинг меросхўрлари бўлган толиби илмларни қўллаб қувватлашда фонд билан ҳамкорлик қилишга чорлаб қолади. Унутманг «Вақф» фонди хайру эҳсонларингизни ўз эгаларига топширишда шаффофлик ва очиқликни кафолатлайди.





Islom.uz портали таҳририяти